



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 17 август, № 169 (7399)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА СИНОВ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ КОМПЛЕКСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва экспорти ҳажмларини ошириш, уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳамда мавжуд синов ва калибрлаш лабораторияларини модернизация қилиш, шунингдек, аҳолига сифатли ва хавфсиз маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш, идоралараро ва инновацион синов ва калибрлаш лабораториялари комплексини ривожлантириш, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш ва маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш орқали савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда “Узстандарт” агентлигининг:

“Узстандарт” агентлигининг “Республика синов ва сертифицилаштириш маркази” давлат корхонасини 2020 йил 1 январдан “Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази” давлат корхонасига (кейинги ўринларда — “UzTest” давлат корхонаси) айлантириш ҳамда унинг муассиси этиб Стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтини белгилаш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — барчамизники!

Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга албатта етамиз. Бу борада мен аввало кўп синовлардан ёруғ юз билан ўтган олижаноб халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва бунёдкорлик салоҳиятига ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ВАТАН МЕҲРИ — МУҚАДДАС ТҮЙҒУ

Халқ давлатдан, аввало, нимани истайди? Ижтимоий адолатни! Бу — ҳар бир даврга, ҳар бир жамиятга хос. Акс ҳолда, одамларда лоқайдлик, умидсизлик, ишонсизлик кучаяди. Бюрократия, коррупция, бошбошдоқлик каби иллатлар урчиб, мамлакат тараққиётдан ортда қола бошлайди. Бунга узоқ ва яқин тарихдан мисоллар кўп.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаши билан мақсадни қатъий қўйди: Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилиши керак! Бизга кабинетда шунчаки савлат тўкиб ўтирадиган гудайганлар эмас, юрагида ўти бор фидойи ва жонкуяр раҳбарлар зарур!

Илгари вазир, ҳоким ва катта-кичик мутасаддилар “Сизнинг қандай муаммоингиз

бор, биздан нима ёрдам зарур?” дея уймай юриб, одамлардан ҳол сўраганини ҳеч кўрганмизми? Афсуски, йўқ! Бугун-чи? Мансабдорлар халқ хузурига борапти. Аҳолининг дардига қулоқ тутмоқда. Йиллаб ўз ечимини топмаган қанчадан-қанча муаммолар бир телефон кўнғироғи ёки озгина ҳафсала билан ҳал этилаётганини кўриб, бир хулосага келямиз: мана, бўларкан-ку!

Аммо ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Тараққиёт стратегиямизни ўз вақтида ва оғишмай амалга оширишда эса сизу биздан талаб этиладигани — ҳамжихатлик, ватанпарварлик, элу юрт тақдири учун ёниб яшаш! Зеро, шoir ёзганидек, “Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, биз ёнмасак, қандай қилиб қоронғуликлар ёруғликка чиқар”.



Хосен ГАЙДИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қоракўлчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш орқали сифатли қоракўл тери етиштириш, чўл озукбаоп экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этиш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қоракўлчилик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида сўнги йилларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда соҳада мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётган.

Хусусан, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш, чўл яйлов озукбаоп ўсимликлар уруғчилиги майдонларини кенгайтириш, соҳада экспортбоп қоракўл ва қоракўлча тери етиштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ва хом ашёлардан тиббиёт мақсадлари учун фойдаланиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Республикада қоракўл зотли қўйлар бош сони ва қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш, наслчилик ишларини илмий асосда такомиллаштириш, қоракўлчилик маҳсулотларини, хом ашёларини чуқур қайта ишлаш ва тиббиёт мақсадлари учун кенг фойдаланиш ҳамда соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
2019 — 2021 йилларда қоракўл зотли қўйлар бош сони, жун ва қоракўл тери ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг прогноз параметрлари 1, 1а, 1б-иловааларга мувофиқ; қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этувчи корхоналар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ва ЖАҲОН

Аҳмад Холид ЭЛМИЙ:

«Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик Афғонистоннинг бошқа хорижий мамлакатлар билан муносабатлари орасида олий ва ёрқин даражадагиси бўлади»

19 август куни Афғонистон Ислом Республикаси ўз мустақиллигининг юз йиллигини нишонлайди. Ушбу сана олдиндан мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Аҳмад Холид Элмий билан эксклюзив интервью уюштирдик.



Эксклюзив интервью

— Элчи жаноблари, шу кунларда Афғонистон халқи муҳим сана — Мустақиллик кунининг 100 йиллигини нишонламоқда. Дастлаб шунини сўрамоқчимиз. Айтинг-чи, мазкур байрамни Афғонистон қандай қутиб олмоқда ва бу сана афғон халқи учун қандай аҳамиятга эга?

— Афғонистон мустақиллик куни, шубҳасиз, ушбу сарзаминда истиқомат қиладиган бир-бири билан биродар бўлган халқлар ва элатлар учун катта фахр бўлиб, афғон халқи учун улғу тарихий санадир. Қолаверса, боболари-

мизнинг гурури, ғайрати ва ҳиммати баландлигининг нишонасидир. Шу сабабли мазкур сана ҳар йили шуқуқ билан нишонланади. Тарихий гурур ва фахримиз бўлган бу байрамни нишонлаш муштарак Ватанда истиқомат қиладиган халқлар ва элатларни бирдамлик, тарихини тушуниш ҳамда ҳис этишга, яқдиллик ва биродарликка чорлайди. Халқимиз ушбу фахр ва гурурни ҳис этиб, бу улғу неъматни асраш йўлида ўз зиммасига масъулият олган. Шу боис ягона тарихий мақсадга эришиш йўлида ҳозирги ва келажак авлодлар бирдам бўлишимиз, мустақиллик ҳамда

миллий суверенитетни асрашимиз, биродарлик, яқдиллик, бағрикенглик руҳини сақлашимиз, истиқлол ва озодлиқ сардорларини халқимиз қалбидо доимо жарағлаб туришига эришимиз лозим. Муҳими, хорижий тажовузларга қарши боболаримиз каби фидокор бўлишимиз ҳамда мамлакат истиқлоли ва озодлигини асраб-авайлашимиз зарурдир.

Афғонистон мустақиллиги қайта тикланганлигининг 100 йиллиги байрам шодидеъналари Президент саройида бўлиб ўтади. Ушбу кун Қобул шаҳрида катта тантананага айланади, халқ сайли уюштирилади, мамлакат Президенти телевидение орқали афғон халқига табрик йўлайди ҳамда мустақиллик куни муносабати билан Мустақиллик минораси пойига давлат раҳбари томонидан гулчамбар қўйилади. Қобул шаҳрида ҳарбий парад ўтказилади, Афғонистоннинг барча ҳудуди давлат байроғи билан безатилади, мамлакат олий мартабали шахслари, чет эллик меҳмонлар ва Қобулдаги хорижий мамлакатлар сиёсий ваколатхоналарининг раҳбарлари учун тантанали зиёфат уюштирилади.



Ўзбекистон ва Афғонистон: **МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ**

19 август куни Афғонистон Ислом Республикаси давлат мустақиллигининг юз йиллигини нишонлайди.

Афғонистон асрлар давомида мамлакатимизнинг энг яқин қўшниларидан бири, дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, диний эътиқод, урф-одатлар боғлаб турадиган улқа бўлиб келган. Ўзбек ва афғон халқлари ўзаро биродардир ҳамда бу узоқ тарихдан буён ўз исботини топиб келмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур сана халқларимиз фикр-уйлари ва интилишларини ифодалайдиган умумий байрам сифатида тилга олинади.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил октябр ойида ўрнатилган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсатини прагматик йўлга ўзгартирди. Пировардида Ўзбекистон — Афғонистон алоқалари мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди ва уллар янгица мазмун ва изчиллиқни касб этди.

Очиқлик, ўзаро ишонч, ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатига устувор эътибор бугунги юқори даражадаги муносабатларнинг асосини ташкил қилмоқда. Айтиш жоизки, бундай даража шу пайтгача ҳеч қачон қузатилмаган эди.

Икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Ашраф Ғанининг сиёсий иродаси туфайли амалий натижаларга эришилди. Президентларнинг кенг қўламли сайёҳатлари ва очиқлик руҳидаги шахсий мулоқотлари бундай оламшумул маъқега етишга имконият яратди. Шунинг таъкидлаш лозими, 2017 йилдан буён икки

давлат раҳбарларининг самимийлик ва тўлиқ ишонч руҳидаги олтига учрашуви бўлиб ўтди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президентлари ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро конференция афғон давлатчилигининг замонвий тарихидаги йирик воқеа бўлди.

Анжуман якунида қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистон ҳукумати ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри тинчликпарвар музокараларни зудлик билан бошлаш зарурлиги бўйича минтақавий ва глобал даражадаги ягона позицияни намоийш этди.

Ўзбекистон тинчлик ўрнатиш бўйича сиёсий музокаралар афғон можаросининг барча иштирокчиси, мамлакатнинг ҳамма партиялари ва ҳаракатлари, этник гуруҳларни қамраб олиши кераклиги бўйича қатъий позиция тарафдоридир. Айнан Тошкент конференциясида сўнг бу йўналишдаги халқаро сайёҳатларда сезиларли тарзда фаолашти.



ХАВФСИЗ, БАҲҚАРОР ВА ҚУЛАЙ

Август ойининг учинчи яшанбаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флотини кун.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг замонавий авиолайнерлари дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳарларига парвоз қилмоқда.

Ўтган йилда авиакомпания 3 000 000 йўловчини манзилига етказди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan Airways» АЖ бренди остида ўз фаолиятини бошлайди. Шунингдек, айни пайтда МАК негизда «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамияти ташкил этиляпти ҳамда унинг таркибидоги давлат унитар корхоналари масъулияти чекланган жамиятларга айлантириляпти.

Авиокомпаниянинг хориждаги ваколатхоналари сони 40 дан ошган.

Республикамизнинг барча аэропорти халқаро мақомга эга.

Парвоз қилинаётган йўналишлар сони эса 60 дан зиёд.

Миллий авиакомпаниямиз дунёнинг 40 та авиаташувчиси билан йўловчи электрон интерлайн келишувларини имзолаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА СИНОВ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ КОМПЛЕКСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“Ўзстандарт” агентлигининг “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси вориси этиб “UzTest” давлат корхонасини белгилаш;

2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрида халқро ташилотларнинг (ISO, IEC, UNECE, EN, CODEX STAN) стандартлари, талаб ва меъёрларига мувофиқ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, электротехника, энгил sanoат, машинасозлик, қурилиш, полимер ва кимё санoати маҳсулотлари ҳамда юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг синовларини тўлиқ амалга оширадиган замонавий синов ва назорат лабораторияларидан иборат “UzTest” давлат корхонасининг **синов ва назорат комплексини** ташкил этиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг 1-иловада назарда тутилган ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари давлат корхоналарини тугатиш;

тугатилаётган ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари негизida **“UzTest” давлат корхонасининг ҳудудий филиалларини** 2-иловага мувофиқ, **“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси ҳудудий филиалларини** 3-иловага мувофиқ ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. **Мувофиқликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, синов ва калибрлаш лабораторияларини ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар режаси** (кейинги ўринларда — Комплекс чора-тадбирлар режаси) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Комплекс чора-тадбирлар режасида кўзда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. “UzTest” давлат корхонасининг синов ва назорат комплекси томонидан **ўзлаштириладиган маҳсулотларни синовдан ўтказиш йўналишлари** 5 ва 6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Куйидагилар “UzTest” давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини ташкил этиш, технологик асбоб-ускуна билан жиҳозлаш ва модернизациялаш ишларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш лойиҳасини Халқро тикланиш ва тараққиёт бора-тиштирокида амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3790-сон қарорига мувофиқ Жаҳон банки томонидан 25 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада ажратиладиган 11,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ;

UNI Credit Bank (Чехия) томонидан 7 йил муддатга йиллик 2,1 фоиз ставкада ажратиладиган 3,88 миллион евро миқдоридаги маблағ;

халқро молия институтларининг грантлари, имтиёзли кредитлари ва қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар.

5. “Ўзстандарт” агентлиги тизими ташилотларига, истисно

тариқасида, синов, калибрлаш ва қиёслаш лабораторияларини ташкил этиш доирасида 2021 йилга қадар ўз маблағлари ҳисобига импорт қилинадиган лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналари, стандарт намуналар, кимёвий реактив ва реагентларни харид қилиш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишга уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплбидга экспертиза қилиш маркази” ДУКда экспертизадан ўтказиш шарти билан рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги “UzTest” давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини ташкил қилиш ва ривожлантириш, синов ва калибрлаш лабораторияларини модернизациялаш мақсадлари учун халқро молия институтларининг маблағларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

7. Белгилансинки, “UzTest” давлат корхонасининг синов ва назорат комплекси таркибидаги синов лабораториялари маҳсулот синовларини амалга ошириш билан бирга “Ўзстандарт” агентлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг буортмалари (иш режалари)га асосан давлат назорати билан боғлиқ синовларни (ўсимликлар карантини хизмати ва фармацевтика маҳсулотлари бундан мустасно) амалга оширади.

8. 2019-2020 йилларда Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти курсларида малака оширадиган мутахассисларнинг ҳудудлар ва ихтисосликлар бўйича тақсимотлари 7 ва 8-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

9. “Ўзстандарт” агентлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргалиқда 2019-2020 йиллар давомида ҳудудларнинг sanoат, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятидан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ “UzTest” давлат корхонасининг ҳудудий филиалларини чет эл ва маҳаллий инвесторларга реализация қилиш, шу жумладан, уларнинг негизида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

10. “Ўзстандарт” агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги билан биргалиқда:

бир ой муддатда четдан олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг синовлари шафқофлигини таъминлаш мақсадида амалдаги стандарт ва меъёрларига мувофиқ ҳар бир маҳсулот бўйича синов дастурларини ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда доимий янгилаб турган ҳолда расмий сайтларга жойлаштириб бориш тизимини яратсин;

маҳсулотлар сифат ва хавфсизлик синов кўрсаткичлари тўлиқ баҳолангандан сўнг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тизимини йўлга қўйсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, **2020 йил 1 январдан:** аккредитация қилинган синов лабораториялари маҳсулот синовларини “Ўзстандарт” агентлиги расмий сайтида жойлаштирилган синов дастурлари асосида ўтказадиг;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

қоракўлчилик соҳасида экспортбп қоракўлча тери етиштириш ва тиббиёт учун ноёб доривор воситалар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қоракўлчилик хом ашёси **етказиб бериш корхоналари** рўйҳати 3-иловага мувофиқ;

райовлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида **чўл яйлов ўсимликлари уруғчилиги майдонларини кенгайтириш параметрлари** 4-иловага мувофиқ;

наслчилик қоракўлчилик хўжалиқларига кучли озқалар етиштириш мақсадида талаб этиладиган **суғориладиган ер майдонларини ажратиш параметрлари** 5-иловага мувофиқ;
ўрмон хўжалиги ташилотларига қарашли узоқ чўл ҳудудларидаги наслчилик қоракўлчилик хўжалиқларининг сув чиқариш иншоотлари жойлашган наслчилик **қоракўлчилик хўжалиқларига ажратиладиган яйлов ер майдонлари** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси, Халқ банки АТБ билан биргалиқда мазкур қарорга мувофиқ белгиланган прогноз параметрлар ижросини таъминлаш юзасидан **туманлар ва қоракўлчилик субъектлари кесимида манзилли чора-тадбирларни** тасдиқласин ҳамда уларнинг самарали ва тўлиқ ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргалиқда бир ой муддатда мазкур қарорга **6-иловада назарда тутилган ўрмон билан қопланган яйлов ер майдонларини хатловдан ўтказиб, уларнинг ўрмон хўжалиги ташилотларидан наслчилик қоракўлчилик хўжалиқларига ажратиб берилишини** таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликларининг Навоий вилоятида қоракўл зотли қўйларнинг **сур ранги** бўйича, Қашқадарё вилоятида **қора ва кўк ранги** бўйича юқори элита синфли наслдор қоракўл қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган **Илмий-наслчилик тажриба станцияларини** ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Куйидагилар Илмий-наслчилик тажриба станцияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори наслдор элита синфига мансуб сур, қора ва кўк рангли қоракўл зотли қўйлар отарларини илмий асосда ташкил этиш;

отарларда наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиш, бунда ранглар бўйича қимматли экспортбпп яримдора қаламғул, ковуругасимон ва ясигул типидаги қоракўл қўйлар селекциясига алоҳида эътибор қаратиш;

серпушт қоракўл қўйларни ўзаро жуфтлаш орқали жаҳон мўйна бозорлари талабидан келиб чиқиб, қоракўл терининг рақобатбардoш турларини яратиш;

етиштирилган юқори маҳсулдор қоракўл қўй ва кўчқорларни

аҳоли хонадонларига, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларига тизимли равишда етказиб беришни йўлга қўйиш.

Ушбу станцияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Белгилансинки, 2019 — 2023 йилларда қоракўлчилик хўжалиқларига етиштириб экспортга сотилган ҳар бир дона қоракўл териси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **50 минг сўмдан** ва ҳар бир дона қоракўлча териси учун **75 минг сўмдан** субсидиялар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoат вазирлиги ҳамда Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан биргалиқда икки ой муддатда қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.
6. Республикада қоракўлчилик соҳасида наслчилик селекция ишларини такомиллаштириш, жаҳон бозори талабларига мос бўлган рақобатбардoш қоракўл териси ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси ҳузурида **Қоракўлчиликни ривожлантириш жағмармаси** (кейинги ўринларда — Жағмарма) ташкил этилсин.

Куйидагилар Жағмарга маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **фоиз тўловларисиз** қайтариш шарти билан 7 йил муддатга 2019-2020 йилларда ажратиладиган **50 миллиард сўм**;

Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига аъзо ташилотларнинг ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари;

халқро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

Жағмарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки, Жағмарма маблағлари қуйидаги мақсадларга ишлатилади:

наслчилик-селекция ишларини илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириш;

қоракўлчилик соҳасида экспортбпп қоракўл ва қоракўлча тери етиштириш;

қоракўлчилик маҳсулотларини чққур қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш;

соҳада ресурс тежамкор ускуналар сотиб олиш ва озуқа цехлари (гранулятор)ни ташкил этиш ҳамда қоракўлчилик субъектлари томонидан қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини сотиб олишни молиялаштириш;

узоқ чўл ҳудудларида сув чиқариш иншоотларини барпо этиш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ва модернизация қилиш;

соҳага янги замонавий технологиялар, инновацион ғоялар ва ишланмаларни олиб келиш ҳамда жорий этиш;

мутахассисларнинг халқро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши, соҳадаги кадрлар малакасини ошириш, шу жумладан, ёш мутахассисларнинг хорижда ўқиши, стажировка ўташи, хорижий мутахассис ва маслаҳатчиларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

бир турдаги маҳсулотга нисбатан тасдиқланган синов дастурини иккита ва ундан ортққ хусусий синов лабораториялари тўлиқ халқро талаблар асосида ўзлаштирган тақдирда, давлат органлари тизимига қирадиган синов лабораториялари томонидан мазкур маҳсулотнинг синовии фақат давлат мониторинги ҳамда назорати мақсадларида амалга оширилади;

маҳсулот сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи рухсат берувчи ҳужжатлар ва мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш идоравий бўйсунувидан қатъи назар, аккредитация қилинган синов лабораторияларида ўтказилган ижобий синов натижаларига асосан амалга оширилади;

аккредитация қилинган синов лабораториялари халқро стандартларга асосан, янги синов услубини ўзида жорий этса, уч ой ичида аккредитация доирасини кенгайтириш мажбуриятини олган ҳолда ушбу услуб бўйича мувофиқликни баҳолаш ишларини амалга оширишларига рухсат этилади. Бунда янги синов услубларини қўллашга аккредитация соҳасини кенгайтириш учун белгиланган тартибда тақдим этилган буюртма асос бўлади;

мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган маҳсулотлар синовини амалга оширмайдиган ва ташилотларнинг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ташкил этиладиган синов лабораторияларини аккредитация қилиш ўрнига уларнинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш тартиби жорий этилади.

Бунда мазкур бандда назарда тутилган қоидалар ўсимликлар карантини хизмати ва фармацевтика маҳсулотларига таتبққ этилмайди.

12. “Ўзстандарт” агентлиги **бир ой муддатда:**

Синов ва калибрлаш лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигига қўйилган умумий талабларни белгиловчи давлат стандартини тасдиқласин ҳамда синов ва калибрлаш лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргалиқда республикада ҳамда чет эл олий таълим муассасаларида стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш йўналишларида таълим олаётган 3 ва 4-босқч талабалари орасида танлов ўтказиб, уларнинг хорижий мамлакатлар энг илгор илмий-синов лабораторияларида амалиётини ташкиллаштириш ва миллий синов ва калибрлаш лабораторияларига муддатли шартнома асосида ишга жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширсин.

13. “Ўзстандарт” агентлиги синов ва калибрлаш лабораториялари эҳтиёжларини қондириш мақсадида келгуси давр учун харид қилинадиган лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналари, стандарт намуналар, кимёвий реактив ва реагентлар рўйҳатини электрон кооперация порталига жойлаштириб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги,

“Ўқимёсаноат” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ импорт қилинаётган лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналари, стандарт намуналар, кимёвий реактив ва реагентларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича **2019 йил 1 октябрга** қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва “Ўзстандарт” агентлигининг **2020 йил 1 январдан** куйидагиларни назарда тутувчи тартибни жорий этиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин:

давлат харидларида, биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда имтиёз ва преференциялар олиш учун корхона ва ташилотлар ўзлари тақлиф этаётган маҳсулотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

импорт қилувчи ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўловни базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида қатъий белгилаш ҳамда сертификатлаштириш идораларига тушган сумма солиқ тўловлари тўланганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланши;

сертификатлаштириш идораларига ўз брендларини яратиш ва улардан ўрнатилган тартибда шартнома асосида фойдаланиш амалиётини жорий этиш.

15. “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан биргалиқда **икки ой муддатда** сертификатлаштириш жараёнларини соддалаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳсулот намуналарини синов ва калибрлаш лабораторияларига етказишда транспорт логистикаси тизимини жорий қилиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

16. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ҳафта муддатда “UzTest” давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини қуриш учун зарур бўлган ер участкасини белгиланган тартибда ажратиб беришни таъминласин.

17. “Ўзстандарт” агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Ғуломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 15 август	

<p>Марказ ўз фаолиятини бевосита Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширсин.</p> <p>15. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг:</p> <p>Самарқанд шаҳри, Хишрав кўрғони, Самарқанд кўчаси, 1-уйда жойлашган Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг маъмурий биносини тегишли ҳудудлари билан биргалиқда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;</p> <p>Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уйда жойлашган Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудудлари билан бирга Самарқанд вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;</p> <p>Самарқанд вилояти Ҳайовнар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази ҳамда Самарқанд вилояти “Чорванасл” марказини Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй манзиллида жойлаштириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги мазкур бандда қўрсатилган бино ва иншоотларнинг белгиланган тартибда қабул қилиниши ва топширилишини таъминласин.</p> <p>16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фундаментал, илмий-амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурлари ва илмий мавзуларни шакллантиришда ветеринария, қоракўлчилик ва чорвачилик соҳасида юқори сифатли ветеринария воситалари, наслчилик ишларини юритишининг ҳамда юқори ҳосилдор озуқа экинларининг янги навларини яратиш ва уруғчилигини йўлга қўйишнинг замонавий усул ва технологиялари ишлаб чиқилишини назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.</p> <p>17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси билан биргалиқда қоракўлчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борсин.</p> <p>18. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.</p> <p>19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.</p>	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 16 август	

Ўзбекистон ва Афғонистон:

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Афғонистон муаммоси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг яна диққат марказига тушди. Афғонистон бўйича тузилган "Кобул жараёни", "Осиё юраги", Истанбул жараёни, "Москва формати", "Халқаро мулоқот гуруҳи" ва "ШХТ — Афғонистон мулоқот гуруҳи" каби бошқа кўп томонлама тузилмалар фаолияти ҳам янги изчиллик касб этди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятини тезкор барқарорлаштириш бўйича сай-ҳаракатлари мамлакатимиз тўғрисида афғонлараро музокараларни йўлга қўйиш бўйича сиёсий жараённинг ажралмас қисмига айланганига олиб келди.

Ўзбекистон ушбу мамлакатда тинчликка эришиш юзасидан қўйиладиган асосий тамойилнинг тарафдори бўлиб қолмоқда — мамлакатда мустақам тинчлик бўйича сиёсий жараён фақат афғонларнинг ўзлари ва Афғонистон халқи етакчилигида амалга оширилиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг бугун афғон можаросининг барча тарафлари томонидан тан олинган мазкур принципал ва узоқ муддатли позицияси халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Хавфсизлик бўйича ва икки мамлакат таъкидлаш мақсадлари йўналишидаги алоқалар ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир.

2018 йил февраль ва 2019 йил март ойларида Тошкент ва Кобулда Ўзбекистон ва Афғонистон хавфсизлик кенгашлари раҳбарлари

даражасида хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон кўшма комиссиясининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

2017 йил январь ойида Тошкентда Ўзбекистон ва Афғонистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг биринчи раунди ташкил этилди.

2018 йил октябрь ойида Термиз шаҳрида Афғонистон Ислмо Республикасининг Бош консулхонаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакилининг тайинлиши Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Афғонистон билан алоқаларни босқичма-босқич ва мақсадли ривожлантиришга қаратилаётган катта эътиборнинг яна бир тасдиғидир. Ўзбекистон Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми, деб ҳисоблайди ва мамлакатни минтақавий интеграцион жараёнларга кенг жалб қилишга интиломоқда.

Жорий йил январь ойида Самарқанд шаҳрида минтақадаги барча давлатлар кўмағида Афғонистоннинг "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқотига қўшилишидек эътиборли воқеа содир бўлди.

Табиийки, Афғонистондаги иқтисодий-иқтисодий инфратузилмани қайта тиклаш ушбу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Шу мақсадда Афғонистонда транспорт ва логистика, энергетика, савдо ва таълим соҳаларида йирик кўшма лойиҳалар амалга

оширилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон томонидан бунёд этилаётган Сурхон — Пули-Хумри электр линияси, Термиз шаҳрида очилган афғон фуқароларни ўқитиш бўйича таълим маркази, божхона терминалига эга "Термиз-карго" логистика маркази, Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўли қурилиши лойиҳаси бор.

2017 йил ноябрь ойида 30 йиллик танаффусдан сўнг Тошкент — Кобул — Тошкент авиакатновининг очилиши кўп қиррали алоқаларимизни янада ривожлантиришнинг яна бир муҳим босқичи бўлди.

Мамлакатларимиз ўзаро савдо ҳажмини оширишга интиломоқда. 2019 йилнинг биринчи ярмида Афғонистон билан ўзаро савдо айирбошлаш 266 миллион долларни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичнинг яқин орада 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон билан ҳеч қандай востачиларсиз тўғридан-тўғри савдо амалиётини баҳарши ва ўзбек озик-овқат маҳсулотларини ушбу мамлакатга пасайтирилган нархларда етказиб бериш бўйича қарори бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бўлди.

Икки томонлама муносабатларнинг замонавий тарихида биринчи марта амалга оширилган Ўзбекистон Бош вазирининг Афғонистонга сафари муҳим воқеа бўлди. Мазкур тадбир ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда янги истиқболли йўналишларни очди.

Таъкидлаш лозимки, 2019 йил 17 июль куни Тошкентда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг арафасида Ўзбекистон — Афғонистон бизнес форуми, икки мамлакат ишлаб чиқарувчилари кўргазмаси ҳамда ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакиллари мулоқоти ҳақидаги мажлис ташкил этилди.

Бугун Ўзбекистонда афғон капитал иштирокида 300 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда, улардан 20 таси 100 фоз хориж маблағлари ҳисобига ташкил этилган. Бундан ташқари, Термиз шаҳрида "Термиз-карго" логистика маркази ва "Термиз" эркин иқтисодий зонаси, Кобул ва Мозори-Шариф шаҳарларида Ўзбекистон савдо уйлари очилган.

Самарали ҳамкорликни амалга оширишда маданий-гуманитар соҳа ҳам муҳим рол ўйнайди. Халқларимиз ўртасидаги асрларга татийдиган алоқалар маданиятлараро ришталарда ҳам ўз ифодасини топган. Афғонистон ҳудудига бугун ўзбек миллатига мансуб 4 миллиондан кўпроқ аҳоли истикомат қилаётгани ўзаро ҳамкорликка ижобий таъсир ўтказмоқда. Улар ўз меҳнати билан нафақат афғон давлатчилиги асосларини мустақамлашга, балки Ўзбекистон — Афғонистон алоқаларини ҳар томонлама тақомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Таълим соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг устувор жиҳатидан бўлиб қолмоқда. 2018 йил январь ойида Термиз шаҳрида афғон фуқаролари

рени ўқитишга ихтисослаштирилган таълим марказининг очилиши бунинг ёрқин ифодасидир. У Афғонистон учун ўзбек тилини ўқитиш ва темир йўл соҳаларида мутахассислар тайёрлаш бўйича ўзига хос масканга айланди.

Икки мамлакат маданият ва илм-фан вакиллари делегациялари билан алмашув фаоллашмоқда. Афғонистон делегацияси 2018 йил сентябрь ойида Шаҳрисабзда мақом санъати халқаро фестивалда қатнашди, ўзбек олимлари делегацияси Кобулда Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолиятига бағишланган халқаро симпозиумда иштирок этди.

Бундан ташқари, 2018 йил декабрь ойида Тошкентда Темирийлар сулоласининг атоқли вакили Гавҳаршодбеғим ҳаёти ва ижодиига бағишланган халқаро симпозиум ўтказилди.

2019 йил июль ойида Тошкентда "Афғонистон XX ва XXI асрлар чорраҳасида: тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатлар, Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Ўзбекистон ҳаммиса дўст афғон халқига ёрдам қўлини қўзғайди. Бу нафақат ҳурмат белгиси, балки унинг бугун Марказий Осиё ва дунёда рўй бераётган жараёнлардаги алоҳида роли эътирофи ҳамдир. Афғонистон заминига узоқ кутилган тинчлик ва барқарорлик ўрнатилган кун, албатта, келади.

«Дунё» АА.



Қарорда белгиланган вазифалар ижроси қандай?

Қўмита эшитувида ушбу саволга жавоб изланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 августдаги "2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторингини дастурийни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги 15 йилда мониторинг олиб боришда атроф табиий муҳит мониторингини тасдиқлаш тўғрисидаги қарориди белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги 15 йилда мониторинг олиб боришда атроф табиий муҳит мониторингини тасдиқлаш тўғрисидаги қарориди белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахбороти эшитилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга мақсадли йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида атмосфера ҳавосига ташланган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий массаси кўрсатиб ўтилган даврда 1,5 баравар қисқарган, Наманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон ва Сирдарё вилоятларининг ўрғанилган туманларида сугорилмаган ерлар бонитети 0,9 дан 4,7 баллгача ошган.

Ер ости сувларининг гидродинамика ва гидроморфий ҳолати мониторингини кузатиш ишлари 1517 та нуқтада олиб борилиб, 6121 сув нуқтаси олинган. 935 погонметр кудукда тозалаш, 1470 241 погонметр кудукни қайта тиклаш ишлари амалга оширилган.

Сув ресурслари ва атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторингини шуни кўрсатмоқдаки, баъзи тозалаш иншоотларида оқова ва ташламаларни тозалаш ишларини бажариш самараси етарли даражада эмас, йирик санот корхоналари атрофида айрим тупроқлар ифлосланган.

Экоаналитик лабораторияларнинг мониторинг методик ва моддий-техника базаси янада тақомиллаштиришни талаб қилади.

Тадбирда мониторинг кузатувлари давомида Радонни ва унинг ҳавода, сувда ҳамда тупроқда парчаланган маҳсулотларини, шунингдек, умумий альфа фаоллигини ўлчаш учун замонавий автоматлаштирилган асбоб ва қурилмаларни сотиб олиш ҳудудий гидрогеологик станцияларнинг янги лойиҳаларида 2020 йилда амалга ошириш режалаштирилгани айтиб ўтилди.

Давлат бюджетидан маблағлар ажратилмагани сабабли ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини мониторингини юритишнинг ягона методикаси ишлаб чиқилмагани қайд этилди.

Қўмита эшитувида Вазирлар Маҳкамаси қарори ижроси юзасидан иштирокчи раҳбарлар томонидан бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Яқунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Айрим шаҳарлар мақомини ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган

Мамлакатимизда урбанизация даражасини босқичма-босқич оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра сўхбати Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда урбанизация жараёнининг республикасида барча ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига таъсири, ер исоҳоти, уй-жой сиёсати масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Урбанизация агентлиги томонидан 120 та шаҳар, 1070 шаҳар типидида қишлоқ аҳоли пункти табиий-иқтисодий салохиятини аниқлаш, тизимли урбанизация жараёни амалга оширилиши, янги санот корхоналарини ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари билан комплекс жойлаштиришнинг ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатли даврда йўлдош-шаҳарларга айлантирилган аҳоли пункти рўйхатини шакллантириш мақсадида хатловдан ўтказилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, туман ва шаҳар марказларини ривожлантириш (Гулистон, Янги-Ҳирод, Чирчиқ, Ширин, Зарафшон, Фозгон, Шарғун шаҳарлари), туташ ҳудудлар чегараларини қўйиш орқали шаҳарларнинг чегараларини кенгайтириш (Янгийул, Тошкент, Наманган шаҳарлари), санот кластерларини ташкил қилиш, ижтимоий инфратузилма қурилиши ва муҳандислик-коммуникация тизимларини яхшилаш (Самарқанд ва Жиззах вилоятлари) бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Зиёда АШУРОВА.

Аҳмад Холид ЭЛМИЙ:

«Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик Афғонистоннинг бошқа хорижий мамлакатлар билан муносабатлари орасида олий ва ёрқин даражадагиси бўлади»

— Афғонистон ноёб стратегик трансегравий имкониятларга эга, Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган мамлакат ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Афғонистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни барпо этиш, унинг иқтисодий ва транспорт инфратузилмасини тиклашга қўмаклашиш тарафдори. Ҳозирги босқичда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик суръатини қандай баҳолайсиз?

— Бизнинг қўшни, чегарадош, дўст ва биродар Ўзбекистон билан тарихий, маданий, диний ва тил муштараклигимиз мавжуд. Шу боис Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган кундан бошлаб, унинг раҳбарияти Афғонистон билан яхши алоқаларни таъминлаш мақсад этиб, бунга амалда эришган. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида бу муносабатлар олий даражага кўтарилди ва Афғонистон Ислмо Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида Ўзбекистон Республикаси билан дўстликни устувор йўналиш сифатида белгиланган. Афғонистон Президенти таъкидлаганидек, Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик Афғонистоннинг бошқа хорижий мамлакатлар билан бўлган муносабатлари ўртасида олий ва ёрқин намуна бўлиши лозим.

Савдо-иқтисодий, транспорт ва инфратузилма ҳамда бошқа соҳаларга оид имзоланган 30 дан зиёд битим ва шартномалар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб бораётганидан далолат беради. Маълумки, Афғонистон Ислмо Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Гани Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг жорий йилнинг 13 июнида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг Бишкек шаҳрида ўтказилган йиғилиши доирасидаги учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш алоҳида таъкидланди. Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни мустақамлаш мақсадида жорий йилнинг 23 май куни Термиз шаҳрида, 1 — 3 июль кунлари Мозори-Шариф шаҳрида бизнес форумлари ўтказилди. Шунингдек, 2019 йилнинг 15 — 18 июль кунлари Тошкент шаҳрида бизнес форуми ва Афғонистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Албатта, бундай анжуманлар Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро савдо айланмасининг ўсишига ёрдам беради.

2019 йил 16 июлда Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро савдо ва иқтисодий комиссиянинг биринчи йиғилиши ўтказилганлиги, шубҳасиз, иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қўмак беради. Мазкур анжуманлар ва йиғилишлар Афғонистон ва Ўзбекистон раҳбариятининг икки томонлама ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган кўрсатмаларини бажаришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги инфратузилма лойиҳаларини, жум-

ладан, Афғонистон учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган 500 кВт.ли Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш ва Мозори-Шариф — Ҳирот йўналишида темир йўли қуриш лойиҳаларини амалга оширишдаги сай-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил июль ойида Мозори-Шарифга ташрифи чоғида ўзбек томони Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш лойиҳаси учун 45 млн. доллар миқдорига чегирма бериши ҳақида эълон қилди. Бу эса, ўз навбатида, дўст Ўзбекистоннинг Афғонистонга бўлган эзгу ниятлари, самимийлигини далолатдир. Ўзбекистон Республикасининг темир йўли соҳасидаги бой тажрибасини ҳисобга олиб, афғон томони темир йўли соҳасида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоридир. Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўли лойиҳаси Афғонистондаги йирик инфратузилма лойиҳаларидан биридир. Биз мазкур муҳим ишни бошлаш ва амалга оширишда икки мамлакат ҳар томонлама ҳамкорлик қилишини истаيمиз.

— Ўзбекистон Афғонистон иқтисодий-иқтисодий тиклаш ва афғон халқининг турмуш даражасини яхшилаш учун катта сай-ҳаракатларни олиб борапти. Бу борада улкан гуманитар лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сизнингча, улар Афғонистоннинг ҳозирги ривожланишига қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Умуман, икки томонлама савдонини янада ошириш учун қандай чоралар қўрилиши керак?

— Дарҳақиқат, Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо, иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлик икки мамлакат муносабатларининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Ушбу соҳаларда катта имкониятлар мавжуд. Улардан янада самарали фойдаланиш мақсадида аниқ ва изчил чоралар қўриш лозим. Таъкидлаш жоизки, 2018 йил якунида ўзаро савдо айланмаси 600 млн. АҚШ долларидан ошган. Афсуски, жорий йилнинг январь — май ойларида ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги рақамлардан 24,8 фоз камайган ва 216 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Икки мамлакатнинг жугрофий жойлашганлиги, ривожланган халқаро транспорт дахлизларининг мавжудлиги ва бошқа тегишли омилларни ҳисобга олиб, Афғонистон ва Ўзбекистон ўзаро савдо айланмасини 1,5 млрд. долларга етказиш алоҳида эгаллигини таъкидлаш жоиздир. Шу муносабат билан икки мамлакат экспорт ва импорт маҳсулотларини ташкил божхона йўналишида ўзаро энгилликлар яратиш, чегара савдосини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, икки мамлакат бизнес вакиллари кўргазмаларда иштирокини фаоллаштириш, савдо ва санот палаталари ҳамкорлигини кенгайтириш, олий ҳамда юқори даражадаги эришилган келишувлар ва бизнес шартномаларини амалга ошириш бўйича аниқ чоралар қўриш таклиф этилади.

Шунингдек, транспорт ва транзит соҳаларидаги ҳамкорлик муҳим йўналишлардан бири бўлиб, икки мамлакат иқтисодий ман-

фаатларида жавоб беради. Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида халқаро юк ташишини янада ривожлантириш мақсадида ва қулай иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароитларни яратиш учун Ҳукуматлараро юк ташиш битимини имзолаш мақсада мувофиқдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан Афғонистон экспорт маҳсулотларини темир йўли орқали транзит ташиниши имтиёзлар ва чегирмалар берилиши кўзда тутилмоқда.

— Ўзбек ва афғон халқларини чуқур тарихий ва маънавий ришталар боғлаб туради. Афғонистондаги ўзбеклар мамлакатдаги тўртинчи йирик этник гуруҳдир. Шулардан келиб чиқиб, давлатларимиз ўртасидаги маданий ва гуманитар ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Чиндан ҳам, халқларимиз тарихий, маданий ва диний муштарак қадриятларга эга ва бу борада бир қанча ишлар амалга оширилган. Ушбу тарихий узвийлик мавжудлиги қарамай бажаришган ишлар етарли эмас ва янада кўпроқ сай-ҳаракатлар қилиниши лозим. Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида туризм соҳасини ривожлантириш ва афғонистонлик сайёҳларни жалб этиш бўйича ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди. 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси қўлида Ўзбекистон ва Афғонистон дўстлик жамаияти тузилди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан афғон ёшларини ўқитишнинг қўллаб-қувватлаш фонди фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили ушбу мавзунда Ҳирот шаҳрида ўтказилган анжуманда билдирди. Икки мамлакат учун муштарак бўлган улғу шахслар фаолиятига бағишланган анжуманлар (Абу Райҳон Беруний, 2018 йил, Кобул шаҳри, Гавҳаршодбеғим, Тошкент шаҳри) ўтказилди. Ҳозирги кунда 27 нафар афғон фарзанди Термиз шаҳридаги ўқув марказида таҳсил олмақда. Янги ўқув йилида биз ушбу марказга 200 нафар афғон талабаларини юборишни режалаштирганимиз. Афғон томони темир йўли соҳасида таҳсил олаётган талабаларининг сонини 400 кишига етказишни режалаштирган. Шунингдек, Афғонистондаги "Бришно Ширкат" идораси энергетика соҳасида ўқитиш учун 25 — 50 кишини Ўзбекистонга юбориш ниятидадир. 96 нафар афғон талабаси ўзбек тили ва адабиёти йўналишида Термиз ўқув марказида муваффақиятли таҳсил олиб, ўз юртига қайтди. Афғонистон Президенти кўрсатмасига мувофиқ, Кобул университетидида ўзбек тили маданий маркази тузиш режалаштирилган ва талабалар ҳамда илмий ходимларни ўзбек тили ва адабиёти йўналишида бакалавр, магистратура ва докторантура даражасида таҳсил олиш учун Ўзбекистонга юбориш ва келажақда ўзбек тилида ёзиш ва расмий иш юритишда улардан фойдаланиш кўзда тутилган. Шунингдек, муштарак тарихий обидаларни таъмирлаш ва Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Захриддин

Мухаммад Бобур каби буюк алломаларнинг мақбараларини обод этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

— Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкентда VIII Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (RECCA VIII) ўтказилиши режалаштирилган. Бу анжуман афғон муаммосининг долзарб масалаларини ҳал қилишда ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, Афғонистоннинг тинч ва барқарор тикланиши ҳамда ривожланишига қўмаклашиш, умуман, минтақавий ва минтақалараро микёсда иқтисодий интеграцияни ривожлантириш учун умумий сай-ҳаракатларни бирлаштиришда самарали муҳим платформа саналади.

Айтнинг-чи, мазкур тадбирда афғон делегацияси қандай муаммоларни кўтарди ва афғон томони кўп томонлама учрашувдан нимани кутмоқда?

— Маълумки, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори Афғонистонда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга эришиш масаласига қаратилган ва бугунги кунда тинчлик жараёнини йўлга қўйиш бўйича халқаро сай-ҳаракатлар олиб борилаётган.

Айнан шу нуқтага назардан Афғонистон учун минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг саққизинчи йиғилиши (RECCA VIII) "Минтақавий ўзаро боғлиқлик ва савдо-сотик, бу — тинчлик ва тараққиёт сари йўл" мавзусида Тошкентда ўтказилаётгани рамзий маънога эга.

Конференцияда Афғонистондаги йирик иқтисодий лойиҳаларни минтақа ва дунё мамлакатлари билан биргаликда амалга оширишни муҳокама этиш кўзда тутилгани алоҳида аҳамиятга эгадир.

— Сўхбатимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтмоқда. Ушбу муҳим байрам олдидан ўзбек халқига тилакларингиз...

— Фурсатдан фойдаланиб, Афғонистон Ислмо Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари раҳбарлигидаги дўст ва биродар мамлакат ва унинг халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ўзининг самимий табрикларим ҳамда эзгу тилакларини билдираман. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо, иқтисодий, транспорт ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик халқларимиз манфаати йўлида янада ривожланиши ва кенгайишига ишонман. Самимий табрикларимни яна бир бор изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси халқига доимий тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Афғонистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлиги абадий бўлсин!

Мустақиллик байрами муборак бўлсин! Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») сўхбатдоши.

ДАЪВАТ

АРТИБ ТАШЛАНГ ДИЛДАН СИЁҲНИ

(Аламзадаларга)

Пайдо бўлибдики, аҳли одамзот, Дунёда мавжуддир турфа тўдалар. Улар орасида айрича жонзот, Ажаб яратқидир аламзадалар.

Суврати аёнқидир балки, сизларга, Балки, таърифлашга йўқдир эҳтиёж. Эҳтимол, учраб бу фожир кўзларга, Балки, тухматига тўлагансиз бож.

Бу қавм тўн бичмас қараб бўйга, Кўрпасига қараб узатмас оёқ. Лекин истайдики, кўча-кўйида Ҳамма таъзим қилса кўрган дамдаёқ.

Ўзиники бўлса давралар тўри, Баланд минбарлардан тушмасалар ҳеч. Улар йўлларидан кўёш, ой нури — Атласдай тўшалиб ётса эрта-кеч.

Уларнинг услуби беор, беомон, Бири Тошқанда, Румда бирлари. Ҳабаш кўппагига айланар шу он, "Ол!", деб олқишласа, агар пиллари.

Аёнки, ҳар кимга отилмагай ўр, Танлашар, аввало, омаддиларни. Висир-висирларга вақту шуши йўқ — Муҳтарам, алпона қоматдиларни.

Кимки бўйсунмаса, қисмати аён: Тирноқлар остидан ахтаришар кир. Курк товук гўнғ сочиб, кидиргандек дон, Етти минг пуштингни титқилар бир-бир.

Шу гаҳир подага дуч келдим мен ҳам, Аввал ҳайрон бўлиб қолдим, анчайин. Андишалар қилиб, индамай турсам, Кутирди, индамай турганим сайин.

Сочимнинг оқиға ёпишди бири, Бири интиқ кутар, шийадай синсам. Фано даштларида, адам ёмири — Асад томчисидай йўқолсам — тинсам...

Эй, фалак! Бу каслар нега асабий, Нимадан тўймайди бу ғаламуслар? Тупроғи қайдандир, недир насаби, Илонми, чаёнми ё каламушлар?

Ярамаган бўлса, пойгага оти, Етолмаган бўлса, манзил-маррага Кимга зарил энди алам, фарёди, Қандай эҳтиёж бор заққум-зардага?!

Ахир, халқуми деб, халқини сотган, Каслар-ку, бу зотлар — мунофиқ, чаток; Иягига довр қарғишга ботган, Одам шакидаги иблис-ку, олчоқ!

Танграм, омад бергин майли, уларга, Кўзлари беҳуда ёшланмасинлар. Аммо яхшиларга дуч келган дамда, Очофат йиртқичдек ташланмасинлар.

Агар омон бўлса, зарра виждони, Йиғиштиради йиртқич этакларини. Қоғоздек ёндирсин, ёксин ёлғонни, Ёндирсин мулавава эртақларини.

Фақат, тез даф қилсин ғаразғўйи шонни, Дилбар сўзлар бўлсин байту баётда. Агар шоир бўлса, устоз Чўлпондай, Боғлар барпо қилсин адабиётда.

О! Бу кун нақадар чексиз, бепоён, Вағандошларимиз орзу ўйлари. Яратмоқ туйғуси кезмоқда шоён, Кўкларни бормоқда Орол бўйлари.

Сиз ҳам гиналарни бас қилинг, тамом! Нонкўрларча берманг ёлғон ваъдалар. Бугун она юртга битта бўлса ҳам Дарду бедаводир аламзадалар.

Бир пайтлар инидан ҳайдалиб, ҳар ён, Тўзиб-тўзиб кетган қушлар сингари; Яна ўйларига қайтмоқда шодмон Тариқдай сочилган ўзбекининг бари.

Тикон деворларга қолди кунимиз, Қанча олишдик "тўс-тўс"чилар билан. Бугун ана дўстимиз, оға-инимиз, Минг йиллик қадрдон қўшнилари билан.

Алдов-адоватнинг тишлари синди, Адлу адолатдан сўзлар сўзимиз. Ҳей! Сиз, кимлар билан рақибсиз энди, Қачон уйғонади, кўрми, кўзингиз?!

Ойдин оқшомларда яшнаб турар ой, Олмосдай ярқарар адрасли тонлар. Сизнинг дилингизга кўнмасми чирой Кетмасми кўкайда занглаган, занглар.

Бугун ўлкамизни қучаётир шон, Куриш, бунёдкорлик давридир бу дам; Шубҳасиз, манзилга етажак қарвон, Шубҳасиз, яшнагай, Ватан сизсиз ҳам.

Тезроқ артиб ташланг дилдан сиёҳни, Шу юртга бор жону жаҳонни тикинг. Дала-дашт гулларга кетсинлар тўлиб, Ҳар кунни бир жамбил, бир райхон экинг.

Келинг, битта тану битта мушт бўлиб, Шу қутлуг заминга тикайлик жонни. Дала-дашт гулларга кетсинлар тўлиб, Чаманга буркайлик Ўзбекистонни!

Абдусид КҮЧИМОВ.

Бу ҳақда гап кетар экан, ҳар қандай эзгу иш — энг яхши ибрат эканлигини ёдга олгимиз келди. Чунки бугун орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз ақл-заковати, билим ва таҳрибаси, фарзандлик меҳри ва садақатини жонажон Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахту камоли йўлида сафарбар этмоқда. Буни ана шу юртдошларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва самимията йўғрилган фикр-мулоҳазаларидан ҳам англаш қийин эмас.

«БИЗГА ШУНДАЙ БИНОЛАР КЕРАК»

Ўз жисмидан бир неча минг мартаба оғир техникани бошқариш инсондан катта салоҳият талаб этади. Айниқса, уни юз метрдан зиёд баландликдан туриб, ўз измига солиш учун жасорат, матонат, фидойиллик ва албатта, ватанпарварлик керак. Тошкентлик Наргиза Арсланова аёл киши бўла туриб, ана шундай масъулиятли касбнинг этагидан тугган. У пойтахтимиздаги «Tashkent City» ишбилармонлик маркази қурилиши жа- раёнда иштирок этмоқда — кран машинисти бўлиб! Пастга қараса, одамнинг оёғи қалтириб, боши айланадиган баландликдан туриб Наргиза деярли ҳар кун иш билан қурилиш ашёларини ўзи бошқарётган замонавий техника ёрдамида қурилиш майдонига етказиб беради. Мамлакатимиз тарихидаги йирик бунёдкорлик объектида иш қишининг



Наргиза АРСЛАНОВА, кран машинисти:

— «Tashkent City»нинг ташаббускори — Президентимиз! Бу лойиҳа ҳаётимни буткул ўзгартирди юборди. Коллежни тугатиб, иш топилай кийнаиб юрган пайтларим ҳам бўлган. Оилада ёлғиз фарзандман. Бунинг устига, қиз бола бошим билан ҳаётда нимагадир эришиш мен учун имконсиздай эди гўё. Лекин сабр қилдим. Давлатимиз раҳбари бошлаб берган кенг кўламли ислохотлар туйғайли жамиятда ўз йўлиمنى, ўз ўрнимни топдим. Ҳар тонг катта иштиёқ билан қурилиш

майдони томон ошиқаман. Осмонлар кранга кўтарилиб олгач, атрафга бир кур назар ташлайман. Шунда юрагим гурури-фитхорга тўлиб-тошади. Биласизми, нега? Чунки кун сайин кўкка буй чўзаётган бинолар худди халқимизнинг орзу-умидлари рўёбига ўхшайди. Ахир бу — бизнинг эртამиз-ку!

Баъзан турли сайтларда ва ижтимоий тармоқларда «Tashkent City» лойиҳаси ҳақида ҳар хил бўлмағур гапларни, уйдирмаларни ёзаётганлар қани энди бу ерга келиб, амалга оширилаётган ишларни ўз кўзлари билан кўришса, дейман. Ишонч билан айта оламаники, уялиб қолишди. Ха-ха, уялиб қолишди! Мард бўлса келиб, ҳеч бўлмаса, бир гишт қўйса қанийди! Ахир бу — Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини янада оширадиган ноёб лойиҳа. Эртага бундан иқтисодиётимиз ютади, халқ манфаат қуради. Бизга шундай замонавий бинолар, иншоотлар керак! Ана шуларни ўйлаганимда ўз ишимдан янаям гурурланиб кетаман, кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшилади.

«ВУЖУДИМНИ АЖИБ БИР ТИТРОҚ БОСДИ...»

Муҳиддин НУРИДИНОВ, Халқаро армия ўйинларининг «Танк биатлони» йўналиши бўйича II дивизион голиби:

— Финалда Уганда, Куба ва Вьетнам жамоалари билан курашдик. Барча шартларни муносиб уддалаб, энг яхши натижани қайд этдик. Бундан ҳаммамиз хурсандмиз.

Ушбу мусобақада тезлик, уни назорат қила билги энг муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Тай-ёргарлик жараёнида шуни пухта ўзлаштиришга интилганимиз ўз мевасини берди. Лекин муваффақиятимизнинг асосий омилли бошқа. Яъни асосий гап бизга яратиб берилган имкониятларда. Мамлакатимизда кўплаб соҳалар қатори мудофаа салоҳиятини ошириш йўлида ҳам жуда катта ишлар қилиняпти. Энг янги, замонавий, буғунги кун талабларига жавоб берадиган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминланял- миз. Турли тай-ёргарлик босқичларида чинқимок- дамиз. Халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ўзаро таҳриба алмашаялми. Натижалар эса бир- ма-бир кўринаяпти. Буларнинг барчаси нима учун? Шубҳасиз, жонажон Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги учун!

«ИШЛАГАНГА ТОШ ОТМА!»

Янгибой Болиқулов — юз билан юзлашган пиру ба- давлат отахон. Самарқанд вилоятининг Пайарик туманидан. Жуда ширинсухан. Шундан бўлса керак, уйдан доимо одам араймайди. Бир- да кўни-кўшни, бирда ма- халла-кўй йўқлаб келса, бошқа сафар давлат ёки жа- моат ташкилотлари вакилла-

ри «отахоннинг дуосини олиб кетайлик», деб совға- салом билан ташриф боу- ришади. Янгибой бобони яқиндан билганлар уни жуда муло- ҳазакор, дейишаркан. Саба- би, у киши юртимизда ва дунёда бўлаётган янгилик- лардан имкони борича ха- бардор бўлиб бораркан.

Янгибой БОЛИҚУЛОВ, Уруш ва меҳнат фаҳриси:

— Набирам тушмагур, планшет де- ган матоҳидан ҳар хил янгиликларни ўқиб бериб туради. Баъзиларидан ди- лим яйраса, айримларидан хафа бўлиб кетаман. Одамларга нима бўлапти ўзи? Усти-бошингиз бут, қор- нингиз тўқ бўлса... Тўғри, камчилик- лар, муаммолар бордир, бундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин ҳамма нарса вақти-соати билан-да. Дарров олам гулистон бўлиб қолмайди-ку, ахир. Наҳотки, сабр-тоқат, шук- роналик деган тушунчалар анқонинг уруғига айланган бўлса. Ахир шу халқ эмасми оғир йилларда матонат кўрсатган, шу халқ эмасми бир бурда нонга шукрона келтириб, бир майизни қирқ бўлишиб еган?! Уруш кўрган, не-не азоблар- ни бошдан кечирган одам сифатида айтишим мумкинми, ношукрлик бизга ярашмайди.

Яқинда набирам бир суратни кўрсатди. Хайҳотдек бино. Қурилиши битмагани кўришиб турибди. Суратга нимани оли- шибди, денг? Шу бино бурчагидаги бир уюм қурилиш чи- қиндисини! Жаҳлим чиқиб кетди! Агар шу сураткаш ёнимда бўлганида: «Эй бола, нималар қиляпсан? Суратга олишга олисан, энди мард бўлиб, бажарилган ишларни ҳам бор бўйи билан кўрсат. Қурилиш бўлаётган жойдан чикинди чикмайди!» Эрта-индин олиб кетиладиган нарсага шунча айўханнос соласаники, номард! Ишлаганга тош отма. Ак- синча, уларнинг қанотига кириб, қўлингдан келса, кўмак- лаш! Буям қўлингдан келмаса, жим тур...» деган бўлардим! Бизнинг гўзал фазилатларимиз бор. Келинг, уларни ас- раб-авайлайлик.



«Танк биатлони» мусобақасининг тақдирлаш маросими ҳам ҳаяжонли кечди. Кубокни жамоамиз сардори, подполковник Жумабой Аташев қабул қилиб олди. Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Қўлимизни кўксимизга қўйиб, мадҳиямизга жўр бўлдик. Биласизми, ушбу онда бутун вужудимни ажиб бир титроқ босди, кўзимга ёш келди... Бу, албатта, Ватани- мизни жондан ортқ яхши кўрганимиздан, унга меҳримиз чексиз эканидан. Бу ғалаба — халқимизники, Ўзбекистонимиз- ники! Уни мустақиллигимизнинг 28 йиллигига тўқ- фамиз, деб қабул қилгайсиз, азизлар.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment va SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
 Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Тақлиф этилаётган барча техника учун қафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
 Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
 www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

DOOSAN

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй.
 Тел.: 71-200-00-27 /28.
 E-mail: doosansales@uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама**

бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
 Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 71-233-52-55;
 Котибият 71-233-10-28; Ўқувлар 71-232-11-15.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов,
 Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
 Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 01.35 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6